



XXI ASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014 йил 5 июнь, пайшанба, 22 (550)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



Анжуманинг аҳамияти мавзусидан маълум

Бугун Тошкентда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция ўз иштини бошлади. Симпозиумлар саройида бўлиб ўтаётган икки кунлик анжуманда Хитой, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Австрия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Польша ва бошқа қатор давлатлардан келган олимлар, экспертлар, сарноядорлар нуфузли халқаро тузилмалар, жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, Осие тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жаҳон банки мутасаддилари иштирок этади. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз аграр тизимида амалга оширилган ислохотлар, деҳқончилик ва уруғчилик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда жаҳонда мураккаб табиий-иқлим шароитлари нузаатланиши, юртимизда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олинмоқда.



Сониқ ЗОИР олган сурат

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар самараси

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ депутатлар 2014 йил 26-31 май кунлари ўз сайлов округларида навбатдаги учрашувларни ўтказдилар. Парламент қўйи палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг кунги кеча бўлиб ўтган йиғилишидаги муҳокамаларнинг асосий мавзуси ана шу учрашувларнинг яқунларини таҳлил қилишга бағишланди

Фракция раҳбари Бахтиёр Якубовнинг таъкидлашича, бу галги учрашувларнинг асосий йўналиши аҳолини мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотларнинг бориши, парламентнинг

қонун ижодкорлиги фаолияти билан яқиндан таништириш, жумладан, қабул қилинган қонунлар жойларда қай даражада ишлаётгани, сайловчилар дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал

этиш бўйича амалдаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш учун аниқ таклифлар ишлаб чиқилган иборат бўлди.



Шакar импорти камайтиради

Яқин йилларда мамлакатимизда шакarни импорт қилиш ҳажми кескин камайирилиши кутилмоқда. Жумладан, 2014 йилга бориб Ўзбекистон йилига 20-30 минг тонна шакarни четдан сотиб олади, холос. Айни кунда мамлакатимизнинг шакarга бўлган эҳтиёжи 750 минг тоннани ташкил этаётгани, шундан 350 минг тоннаси хориждан келтириляётганини айтиб ўтиш жоиз. Noviyev.uz сайтининг хабар беришича, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюмси бундай натижага Тошкент вилоятида барпо этиляётган «Ангрен шакar» заводи тўла қувват билан ишла бошлаганидан сўнг эришиши режалаштирилмоқда. Лойиҳага мувофиқ, завод бир кеча-кундузда шакarқамишдан минг тонна шакar ишлаб чиқаради. Таъкидлаб ўтиш лозим: 1998 йилда ишга туширилган «Хоразм-шакar» ОАЖ хорижий корхонаси томонидан 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 10,3 фойза кўп, яъни 356,3 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Ҳокимлар ҳисобдорлиги тамойили – амалда

Маълумки, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида амалдаги қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари жойларда қандай бажариляётганини ўрганишда жамоатчилик назорати институти шаклларида самарали фойдаланиш бўйича О'zLiDePнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари муайян тажриба тўплаган. Бундай интилиш, ўз навбатида, партия электорати бўлимиш хусусий сектор вакиллари манфаатларини ишончли ҳимоялашда муҳим омил бўляётгани ҳеч кимга сир эмас

ги қонуннинг қабул қилиниши эса вакиллик демократиясини янада ривожлантириш, партия депутатлик гуруҳларининг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назоратни кучай-

тиришида муҳим ҳуқуқий асос бўлиши билан бирга бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш учун мустаҳкам замин яратди.

БУГУНГИ СОНДА:

Лицей битирувчиси АТИРГУЛДАН ЧОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚЧИ

3

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ, ТАШАББУСКОР

4

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ ҚАДАМЛАР

5

ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОНИНГ ЎЗ ЕЧИМИ БОР

7

ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

Тежамкор техникалар – қишлоқ мулкдорларига

Қашқадарё бошоқли дон экинлари уруғчилиги селекцияси илмий-тадқиқот институтида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг парламент қўйи палатасидаги ФРАКЦИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ДАВРА СУҲБАТИ ўТҚАЗИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман кенгашларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, кишлоқ хўжалиги иқтисослаштирилган касб-хунар коллежлари раҳбарлари, тadbиркорлар ва фермерлар иштирок этган тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 майда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарориди белгилаб берилган устувор ва-

зифаларга эътибор қаратилди. — Ушбу қарор партиямиз электорати ҳисобланган аграр соҳа вакилларининг бугунгидан ҳам самаралироқ фаолият олиб боришлари учун мавжуд имкониятларни янада кенгайтирди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шоира Хайдарова. — Зеро, мазкур ҳужжат мамлакат қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самардорлиги ва рентабеллигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, аграр соҳага комплекс учун замонавий, унумдорлиги

юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техникаларни етказиб беришга қаратилган ягона сиёсатни юритишга қаратилганлиги билан диққатга сазовор. Партиямиз Дастурида ҳам қишлоқ хўжалигида иқтисодий мўносабатлар тизимини ўзгартириш — аграр соҳада амалга ошириляётган ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида белгилашган. Бу эса ерда фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, деҳқон ва фермерларнинг ўз меҳнатлари натижаларига бўлган қизиқишини кучайтириш, улар учун зарур шароит яратиш масалаларини назарда тутди.

2 >>>

Экспорт шартномалари ва инвестиция битимлари

Мамлакатимиз тadbиркорлари Президентимиз тапавбуси билан ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида шу йилнинг 23-26 май кунлари Хитойнинг Сиань шаҳрида ўтказилган Халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркасида иштирок этишди. Уларнинг экспорт шартномалари ва инвестиция битимлари тузишга оид фаолиятини 400 га яқин маҳаллий ва хорижий журналист ёритиб борди

Ўзбекистон байроғининг рамзи туширилган замонавий ҳаво кемасида Пекин шаҳрига етиб келган тadbиркорларининг тadbир ташкилотчилари аэропортда кутиб олишди. Шундан сўнг поезда Сиань шаҳрига йўл олган делегация аъзолари

1100 километрик масофани босиб ўтиш асносида мамлакатимизда саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш борасида амалга

ошириляётган ички ишларнинг самаралари хусусида дилдан суҳбат куришди. Ушбу сафар ҳам уларга кўрсатилган юксак эътиборнинг амалдаги намоёнлиги эканини эътироф этишди.

6 >>>

Мижоз манфаати бирламчи бўлиб қолаверади



Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, айниқса, хусусий сектор вакиллари қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий

газетаси тахририяти томонидан ташкил қилинган навбатдаги мулоқотда тadbиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни қизиқтираётган саволларга «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банки раисининг биринчи ўринбосари Равшан Баҳромов ҳамда ушбу молия муассасасининг бошқа масъул ходимлари жавоб қайтардилар. Айни пайтда мамлакатимизда мазкур банкнинг 37 та филиали, 114 та минибанки, 500 га яқин жамғарма кассаси, 145 та халқаро пул ўтказиш шохобчаси, 75 га яқин инфокиоски фаолият юритмоқда. Улар орқали 71 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъект ҳамда 1 миллион 370 минг нафар жисмоний шахсга хизмат кўрсатиб келинапти.

4 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 3 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади.*

1 Австралия доллари	2131,48	1 Миср фунти	321,74
1 Англия фунт стерлинги	3852,53	1 Исландия кронаси	20,33
1 Дания кронаси	420,15	1 Канада доллари	2121,12
1 БАА дирҳами	626,36	1 Хитой юани	368,26
1 АҚШ доллари	2300,57	1 Малайзия ринггити	713,36

1 Польша злотийси	756,61	10 Жанубий Корея воени	22,45
1 СДР	3543,96	10 Япония иенаси	225,52
1 Туркия лираси	1098,18	1 Россия рубли	66,23
1 Швейцария франки	2568,46	1 Украина гривнаси	195,38
1 ЕВРО	3166,82		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ўз қўлида сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Ҳокимлар ҳисобдорлиги тамойили – амалда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун орқали киритилган ўзгаришлардан бири, яъни вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари кенгашига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботлар бериши ва шу асосда қарорлар қабул қилиниши тўғрисидаги конституциявий меъёрнинг татбиқ этилиши партия депутатлик гуруҳларининг ваколатларини янада кенгайтириши баробарида уларнинг масъулиятини ҳам оширди. Ижро ҳокимияти мутасаддиларининг вакиллик органлари олдидаги ҳисобдорлиги тамойили ҳуқуқий жиҳатдан Бош қому-симизда мустаҳкамлаб қўйилгани сиёсий партияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг аниқ йўналишларини белгилаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялашнинг муҳим вазибаларини халқ эътидаги иштироки кенгайтириши аниқлади.

Бу жиҳат, биринчидан, давлат ва жамиятнинг бошқаришда ҳокимият тармоқларининг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш, уларнинг фаолият самардорлигини юксалтириши, иккинчидан, вакилик демократиясини янада ривожлантириш, давлат органлари устидан қатъий депутатлик назоратини амалга ошириши назарда тулади.



Ўтказилган эшитувлар якунларига кўра ҳар бир масалага доир депутатлик гуруҳларининг аниқ позициясини белгилувчи амалий таклифлар ишлаб чиқиладиганлиги, энг асосийси, маҳаллий ҳокимликлар О`zLiDeP депутатлари томонидан баён этилган фикрлар асосида тегишли қарорлар қабул қилиб, мавжуд муаммолар ечимига доир чора-тадбирлар белгиладиганлиги қатъий аҳамиятга эгадир.

Сиёсий партияларнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари халқ депутатлари кенгаши доимий комиссиялари раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, аъзолари номзоди бўйича таклифлар киритиш, сессияларда тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш каби қўшимча ҳуқуқларга эга бўлди. Бунда партия гуруҳларининг ҳокимият вакиллик органларига киритган масалалар бўйича таклифлари албатта муҳокама этилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Кези келганда, халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларидан О`zLiDeP депутатлик гуруҳларида ҳудудларда кечадиган ислохотларга ҳалакат берадиган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очик, ошқо-на ва амалий руҳда муҳокама қилиш бўйича изчил ишлар амалга ошириладиганини айтиб ўтиш жоиз. Ўтган давр мобайнида депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий кенгашиларга киритилган таклифларнинг 125 таси сессияларда муҳокама этилиб, улар юзасидан О`zLiDeP вакиллари тақдим этган қарорлар лойиҳалари маъқулланганини ҳам юқоридаги фикримизни исботлаши мумкин.

Маҳаллий кенгашилардаги депутатлик гуруҳларимиз партиянинг дастурий вазибаларини амалга ошириш, электроратнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида вакилик ҳокимиятининг назорат ваколатларидан самарали фойдаланишга интиломоқда, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан О`zLiDeP фракцияси аъзоси Барно Абдуллаева. – Қиёс-лаш учун бизгина рақамни келтириш қифо, деб ўйлайман. Хусусан, 2013 йил давомидан О`zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан мамлакатимиз бўйича 96 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилган бўлса, жорий йилнинг апрель-май ойларида биргина Фарғона вилоятида бу кўрсаткич ўнган ташкил қилди.

О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан жорий йилнинг апрель-май ойларида жойларда ўтказилган амалий семинарларда Конституцияга киритилган ўзгариш

ва қўшимчалар чуқур ўрганилиб, уларнинг талабларини инобатга олган ҳолда депутатлик назорати самардорлигини оширишнинг услуб ва йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Бошқача айтганда, кейинги пайтларда депутатлик назоратининг барча шаклларида самарали фойдаланишда кузатиладиган ижобий ҳолатнинг замирида айнан Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган янги нормаларни рўйбга чиқариш мақсади муҳимдир.

Ҳокимлар ҳисобдорлиги тамойилини амалда қўлланган дастлабки ҳудудлар сифатида Тошкент вилоятининг Охангарон тумани ва Олмалик шаҳри, Фарғона вилоятининг Олтириқ, Данғара ва Бағдод туманларидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳларини мисол қилиб келтириш жоиз. Жумладан, Охангарон туманида «Тадбиркорлик ҳуқуқлари эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», Олмалик шаҳрида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларнинг мазкур ҳудудлардаги ижроси юзасидан ҳисоботлар кўриб чиқилган бўлса, Бағдод туманида кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича ахборотлар эшитилди.

Депутатлар эътироф этишганидек, Охангарон туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб, туман иқтисодиётида мазкур соҳанинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Биргина 2014 йилнинг биринчи чора-тадбир банклари томонидан 227 та тадбиркорлик субъектига 8,1 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари берилди, туманда хусусий сектор вакиллари томонидан санаот қисмида айнан Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган янги нормаларни рўйбга чиқариш мақсади муҳимдир.

Пойтахтимизни Фарғона водийси билан боғловчи қатта йўл бўйидаги чиройли бинолар, кўркем иморатлар, хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқлари кўзини қувонтиради. Аммо назорат-таҳлил фаолияти якун бўйича маҳаллий ҳокимлик, мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан қилинадиган ишлар кўпчилиги таъкидланди. 124 та хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тўхтатгани, айрим корхоналар 3 ёки 6 ойдан бери ишламаётгани, янги иш ўринларини яратиш дастурида кўзда тутилган 12 та субъектда бу борадаги кўрсат-

кичлар бажарилмагани шулар жумласидандир.

Туман ҳокими Рустам Убайдуллаев О`zLiDeP депутатларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги фаол иштирокини алоҳида кайди этиб, назорат-таҳлил фаолияти якунлари бўйича партия депутатлик гуруҳининг амалий таклифлари ҳокимликнинг қалдаги қарор ва фармойишлари, шунингдек, амалий ҳаракатларида ўз аксини топишини таъкидлади.

Депутатларимиз томонидан Олмалик шаҳрида олиб борилган назорат-таҳлил фаолияти эса оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қилинадиган ишлар бу ҳудудда ҳам хали етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам йиғилиш якунида О`zLiDeP депутатлик гуруҳининг амалий таклифлари асосида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олинди.

О`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг ташаббуси билан долзарб масалалар юзасидан жойлардаги ҳокимларнинг ҳисоботларини эшитишга бағишланган йиғилишлар Олтириқ, Данғара, Бағдод туманларида ҳам очик мулоқот ва амалий фикр алмашув тарзида ташкил этилди. Уларда, жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжалиқлари фаолиятини такомил-лаштириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов идоралари билан шартномавий муносабатларга риоя этишнинг таъминлиги жиддий эътибор қаратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституцияга киритилган ўзгаришлар О`zLiDeP депутатлик гуруҳларини ўзларига берилган ваколатлар, хусусан, ҳокимларнинг ҳисобдорлиги тамойилидан амалда фойдаланиш орқали ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда фаол иштирок этишга қатъий тўртки берди. Юқорида тилга олинган сай-ҳаракатлар бунинг амалий самарасидир.

Лицей битирувчиси атиргулдан чой ишлаб чиқармоқчи

О`zLiDeP «Ёшлар қаноти» томонидан ўтказиб келинаётган «Ишбилармон талаба» республика кўрик-танловининг Жиззах шаҳар босқичи қатнашчилари орасида ана шу мазмундаги бизнес-режа кўпчилигининг эътиборини тортди

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

Республикамиз аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ўсшига қўмаклашиш, бандлик масаласини хал қилиш, меҳнат шартини яхшилаш, айниқса, кишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш – О`zLiDeP учун устувор йўналишлар ҳисобланади. Бу вазибаларнинг амалий ижроси эса партиявий лойиҳаларнинг самарасида ўз аксини топмоқда. 2004 йилда асос солинган «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ана шундай истиқболли лойиҳалардан биридир.

Яқинда мазкур танловнинг Жиззах шаҳар босқичи юксак савияда ташкил этилди. Унда шаҳардаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларидан 80 нафари вилоят босқичига йўланма олиш учун ўзлари тайёрлаган бизнес-режалари билан иштирок этишди. Бу эса О`zLiDeP стипендиясини олишга интиладиган ёшларнинг сафи тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади. Эътиборлиси, уларнинг гоёлари халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашиларидан О`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоят Ўрта махсус касб-хунар таълими, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари мутасаддилари томонидан юқори баҳоланди. Партия «Ёшлар қаноти» фаоляти, иштирокчиларнинг ола-оналари уларнинг интилишларини бизнес-режа шаклига келтиришга яқиндан ёрдам берганини ҳам айтиб ўтиш керак. Натигада 20 нафар номзоднинг хунарманчилик ҳамда амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш, микро ГЭС, хизмат кўрсатиш, тиқувчилик, тўқувчилик, кишлоқ хўжалиқда суперинтенсив усулда балиқ парваришлов, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда томончилик суроғини асосида иссиқхона ташкил қилиш, асаларчилик соҳаларини ривожлантириш борасида ишлаб чиққан инновацион лойиҳалари истиқболли, деб топилди. Кези келганда, тадбир доирасида иштирокчи-

ларнинг ўзлари тайёрлаб келган маҳсулотлар кўргазмаси намоиш этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

– Ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашига яқиндан қўмаклашиш, ривожланган бозор муносабатларига асосланган давлат қурилиши ва бошқарувида, фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялаш, уларга шарт-шароитлар яратиб бериш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қўмаклашиш каби масалалар ташкилотчиларнинг диққат марказида бўлгани мени қувонтирди, – дейди Жиззах политехника институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси Малика Сувонқулова.

Хакамлар хайъати аъзолари иштирокчиларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қўникмаларини қай даражада ўзлаштиригани, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматини фойдаланиш борасидаги билимлари, кишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш борасида ишлаб чиққан инновацион лойиҳалари, намунали ҳуқуқ, етакчилик қобилияти, ёшлар билан ишлаб чиқариш каби жиҳатларида алоҳида эътибор қаратилди.

– Бу танлов академик лицей ва касб-хунар коллежларига кириб бориш баробарида ўқувчиларни партия ҳаракат дастуридан бохабар этиш орқали тарафдорлар сафини янада кенгайтиришда самарали восита бўлиб хизмат қилаяпти, – дейди О`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаб чиқариш бўлими мудири Олим Норжигитов. – «Ишбилармон талаба» стипендиясини танловнинг 2013 йилги шаҳар босқичида 60 нафар талаба иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 80 нафардан ошди.

Танловнинг муҳим жиҳатларидан бири, унинг иштирокчилари амалий очик мулоқот ва ишбилармонликка оид суҳбатлар орқали ахборот алмашганларидир. Бундан ташқари ишлаб чиқариш, яқна тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўрин-

ларини яратиш, микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг афзалликлари юзасидан ўз билимларини оширишлари учун зарур шароитлар яратилди.

Жиззах политехника институти қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси Мафтуна Қўшбоқова кўрик-танловда «Атиргул» чойини ишлаб чиқаришга бағишланган лойиҳаси билан иштирок этди. Унинг айтишича, атиргул чойи фойдали микро элементларга бой ҳисобланиб, шифобахш атиргул чойи йил давомида, айниқса, қиш фаслида одам организмининг зарур витаминлар билан таъминлайди. Хушбўй таъми, хиди, доривор хусусиятга эга, экологик тозалиги билан бошқа чойлардан ажралли турадиган атиргул чойи инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдалидир. Чунки атиргул барги таркибида йод, цинк, темир, хром моддалари бор. Йод организмда қалқонсимон без фаолиятини яхшилашда, турли моддалар ва гормонлар алмашинувини яхшилашда ёрдам беради. Цинк эса тирноқ, соч ва терининг нафис ҳамда жилдор бўлишида асосда, темир қонда гемоглобин миқдорини оширади. Шунингдек, атиргул чойи жароҳатларни тезда битирувчи хусусиятга эга бўлиб, ушбу чойни ишлаб чиқариш кўп харажат талаб этмайди.

Шунинг учун ҳам Мафтунанинг иши хакамлар хайъати томонидан юқори баҳоланди, биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Тиқувчилик йўналишида «Ўзбек миллий либосларининг замонавий талқини» лойиҳаси билан қатнашган Малика Сувонқулова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, «Микро ГЭС қурилиши орқали сувдан ва шамолдан энергия ҳосил қилиш ҳамда маҳаллий чиқиндилардан биогаз олиш» лойиҳаси учун Мафтуна Алмановага учинчи ўрин берилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун Ўзбекистонда раҳнамолигида ёшларга қаратилган юксак эътиборни хар биримиз чуқур ҳис этмоқдамиз. Бунинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фаоллик кўрсатаётган О`zLiDePнинг биргина «Ишбилармон талаба» лойиҳасининг Жиззах шаҳар босқичидаги амалий натижалар ҳам яққол намоён этди.

ХОРАЗМ. О`zLiDeP Хоразм вилояти ва Урганч шаҳар кенгашилари ҳамкорлигида шаҳардаги «Умид» маҳалласида «Соғлом оила – бу соғлом жамият, кучли ва барқарор мамлакат» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда оилада юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш, фарзандлар тарбияси ва оила иқтисодини барқарорлаштириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Таъкидланганидек, партиянинг маҳалла билан ижтимоий ҳамкорлиги аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, шунингдек, ёшларнинг гоёвий-сиёсий тарбиясини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Партияимизнинг гоё ва мақсадлари йўлида сидидидилдан хизмат қилиш асосий бурчимиздир, – дейди қўйи бўгин етакчиси Феруза Раҳмонова. – Бу эса ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади. Зеро, қуруқ сўз билан эмас, балки амалий ишлар орқалигина ишонч қозониш мумкин.

Тадбир сўнггида партия сағига янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Шунингдек, маҳалла тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

САМАРҚАНД. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг касбий ва ижодий ўсишлари учун яқиндан қўмаклашиш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир.

О`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган «Ишбилармон талаба» лойиҳасининг туман босқичлари давомида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– «Ишбилармон талаба» лойиҳаси тобора кенг қамров касб этмоқда, – дейди О`zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири Сардор Луқмонов. – Ўтган қисқа давр мобайнида вилоятимиздаги 15 мингдан зиёд йигит-қиз ушбу лойиҳада бевосита иштирок этди. Бугунги кунда уларнинг 8 мингдан ортиқ кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ва касаначилик соҳаларида фаолият қоритмоқда.

Самарқанд кишлоқ хўжалик институти қошидаги 1-академик лицей талабаси Саломат Амиркулова ўтган йили танловнинг вилоят босқичида ўз бизнес-режаси ва тайёрлаган маҳсулотлари кўргазмаси билан иштирок этиб, 1-ўринни эгаллаган эди.

– Ҳозир миллий либослар тикиш соҳасида фаолият олиб бораёман. Шу тариқа бир неча тенгдошимни иш билан таъминладим. Қўзлаган мақсадларимга эришишда партиямнинг ёрдами катта бўлди, – дейди Саломат.

Бу йил лойиҳанинг дастлабки босқичларида вилоят бўйича 3 мингга яқин талаба иштирок этиши кутилаяпти. Тарғибот-ташвиқот ишларининг кенг йўлга қўйилганига ўз самарасини беримоқда. Айниқса, Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Иштихон, Қўшрабат ва Нурабод туманларида лойиҳага қизиқиш юқоридир.

ХАБАРЛАР
Саксон фоизи — экспортга

Булунғур туманидаги «Мароқанд сифат» масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо сунъий қоплама, гилам ва ип-қалава маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхона нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ҳамкорлар топишга эришди. Эътиборлиси, МЧЖ цехларида бугун 300 нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

– Корхона ташкил этилган пайтдаёқ фаолиятимизни мақсад қилган эдик, – дейди МЧЖ директори Оруз Аминов. – Шу сабабли ҳам айни пайтда маҳсулотларимизнинг 80 фоизи хоризга сотилмоқда. Яқин келажакда гилам ишлаб чиқаришда зарур бўлган елимни ўзимизда тайёрлаш ҳамда ип бўяш цехини барпо этишни режалаштирляпмиз.

Мухаббат РАВШАНОВА.

Урганчда Чехия троллейбуслари

Жорий йилнинг декабрига қадар Урганчда янги троллейбус қатнови йўлга қўйиладиган бўлди. Янги йўналишдаги троллейбуслар шаҳар ҳудудига ҳаракатланади. Маълумки, 1997 йилда йўлга қўйилган троллейбус қатнови вилоят марказини Хива билан боғлаган эди.

Шу ўринда ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Хоразм троллейбус бошқармаси» давлат корхонаси учун «Shkoda 24TR» (Чехия) русумли 9 та янги троллейбус харид қилинганини айтиб ўтиш жоиз.

Ш.ХУҲАЕВ.

Мижоз манфаати бирламчи бўлиб қолаверади

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий секторни изчил ривожлантириш айти кундаги устувор вазифалардан биридир. Зеро мазкур тармоқ юртимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли улуш қўшиш баробарида кўплаб янги иш ўринлари яратиб, аҳоли учун барқарор даромад манбаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда, шубҳасиз, банкларнинг ўрни ва роли каттадир. Биргина «Ипотека банк»нинг ўзи айти пайтда 67 миңдан ортиқ кичик бизнес субъектига хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида уларга 160,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари аҳоли ўртасида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 2,3 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорликка оид лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,6 млрд. сўм, ёш оилаларга ўз бизнесларини ташкил қилишлари учун қарийб 2,0 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O`zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари, тадбиркор ва фермерлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган «Очиқ мулоқот» аввалида банк томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида агроф-лиҳа маълумот берилди.

Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми, яъни бевосита савол-жавобларга ўтиди. Эътиборга молик жиҳати — навбатдаги мулоқот жонли ва кизикарли тусда ўтиб, республикамизнинг барча ҳудудларидан телефон, почта ва интернет орқали юзга яқин савол келиб тушди. Тадбир иштирокчилари уларга қайтарилган жавоблардан қаноат ҳосил қилдилар, деган умиддамиз. Масалан, «Насрон» вилоятдаги «Дастархан» хусусий фирмаси раҳбари Ҳабибулло Эгамбердиев табири орқали боғланиб, «Фуқаролар банк пластик картчаси орқали хорижий валюта сотиб олишлари мумкинми?», деган савол билан мурожаат этди.

Банкнинг валюта айирбошлаш амалиётлари махсус бошқармаси бош мутахассиси Латиф Мусажонов ушбу саволга қуйидагича жавоб қайтарди:

— Фуқаролар белгиланган тартибда асосан нақдсиз шаклда ҳам хорижий валюта сотиб олишлари мумкин. Президентимизнинг «Жисмоний шахсларга хорижий валютани сотиш тартибин янада либераллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунинг учун тўла имконият беради. Унда ваколатли банкларда жисмоний шахслар — резидент ва нerezидентлар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби белгиланган. Қолаверса, ваколатли банкларда жисмоний шахслар — резидентларнинг миллий валютадаги шахсий банк картала-



Солмақ ЗОИР олган суратлар

Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Кредит сиёсатида мувофиқ, мулк қиймати қарз олувчининг молиявий ҳисоботида қанча кўрсатилганидан ёки учинчи томон, жумладан, баҳоловчи ташкилот уни қанчага баҳолаганидан қатъий назар, гаров предметидаги узил-кесил баҳоиси ўзаро келишувга мувофиқ белгиланади.

ри ва чет эл валютасидаги халқаро тўлов карталарида фойдаланган ҳолда валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширишлари учун конверсион операциялар бўлишлари мавжудлигини эслатиш ўринлидир.

Анджонлик Жасур Йўдошев эса банк акциялари ва йирик акциядорлари ҳақидаги маълумот билан қизиқди. Ушбу саволга банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Раҳмон Бахромоов жавоб қайтарди, 2014 йил 1 апрель ҳолатига «Ипотека банк»нинг номинал қиймати 2150 сўм бўлган ҳужжатсиз шаклдаги, эгасининг номи ёзилган 62 326 240 дона оддий ва 2 000 000 дона имтиёзли акциялардан иборат 138,3 млрд. сўм миқдордаги устав капитални тўлиқ шакллантирилганини таъкидлади. Акциядорлар сони эса 15399 нафар. Уларнинг 10715 нафари жисмоний ва 4684 таси юридик шахслар. Молия вазирлиги, «UzGazOil» МЧЖ, Ўзбекистон металлургия комбинати, Олмалик тоғ-металлургия комбинати, бир неча сўғурта компанияси ва бошқалар банкнинг акциядорлари қаторига қиради.

Қарши шахридаги «Меҳриғис нур ёғдуси» соғломлаштириш маркази раҳбари Нигора Жумаева оналар ва болаларни соғломлаштириш, ёш оналар мактабини ташкил этиш лойиҳасида қатнашиб, «Ипотека банк» томонидан ўтказилган танловда «Оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича вилоят ғолиби бўлганини билдирди ва ханузгача кредит ололмаётгани сабаби билан қизиқди. Банкнинг Кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасур Усмоновнинг эътирофи эътиборига, ҳақиқатан ҳам банк бошқарувининг махсус қарорига мувофиқ жорий йилда 10 та номинация бўйича танлов ўтказилиб, ғолиблар аниқланган ҳамда бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинган.

— Танлов шартлари фақат республика босқичи ғолиблари ва совриндорларигагина махсус сертификат берилиши кўзда тутилган, — деди ўз жавобида банк ходими. — Шунга мувофиқ «Оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган «Gulmed servis» МЧЖ (Қорақалпоғистон Республикаси) ҳамда совриндор деб топилган «Самарқанд универсал мед фарм» хусусий корхонасига «Банк Экспо-2014» кўргазмаси доирасида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Барча тадбиркорлик субъектисига биноан тўғридан-тўғри банк қатори сиз ҳам банк кредитидан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз. Бунинг учун тегишли ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим. Мурожаатингиз белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ҳулосаси тегишли муддатларда муълум қилинади.

Самарқандлик Отаёр Худойбердиевнинг саволи ҳам кўпчиликни эътиборсиз қолдиришга олишди. У айти пайтда «Ипотека банк»да халқаро тўловларнинг қандай турлари мавжудлиги ҳақидаги маълумот билан қизиқди. Банк мутасаддиларининг фикридан аён бўлишича, жаҳон банк тизими тажрибасидан келиб чиқилган ҳолда хозирги кунда тўловлар асосан мижоз-тўлов топшириқномашига биноан тўғридан-тўғри банк ўтказмалари, шунингдек, аккредитив ва халқаро пул ўтказмалари орқали амалга оширишмоқда.

Пойтахтлик Фарход Умрзоков эса «Ипотека банк» томонидан 2013 йилда мамлакатимизнинг қайси ҳудудларида нечта уй (кўп қаватли турар жойлар) қурилгани ва уларнинг қанчасига аҳоли кўчиб қиргани хусусидаги савол билан мурожаат этди. Тадбир давомида таъкидланганидек, ўтган йили республикамизнинг 7 та вилоят марказида 339 хонадондан иборат жами 11 та кўп қаватли турар-жой қурилиб, фойдаланишга топширилган ва улар ипотека кредити орқали

али асосан ёш оилаларга сотилиди.

Мулоқот чоғида тахририятнинг интернет манзилига ҳам кўплаб саволлар келиб тушди. Ана шулардан бири Тошкент шахрида истиқомат қилувчи Шавкат Исмоилов томонидан берилган сўз бўлиб, унда «Ипотека банк» маблағлари ҳисобига қурилаётган уй-жойларнинг сифати хусусида сўз юришди.

Банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Бахромоов мазкур саволга жавоб қайтарди, банк кредитлари ҳисобига барпо этилаётган уй-жойларнинг сифати 2007 йил 12 октябрда Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ муаллифлик назорати, Давлат архитектура-қурилиш назорат инспекцияси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг тегишли бўлиmlари, шунингдек, буюртмачи ташкилотлар томонидан назорат қилинишини билдирди. Қолаверса, уй эгаларининг ўзлари ҳам қурилиш ҳолатини ўрганиб, бу хусусда фикр-мулоҳазаларини баён қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Юқори Чирчиқ туманида яшовчи фермер Назира Ортиқованинг саволи барчада бирдай қизиқиб ўй-отди, десак ҳато қилмаймиз.

Маълумки, ипотека кредитлари асосан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун йўналтирилади. Лекин кўпчилик бу хусусда старли маълумотга эга эмас. Айтинг-чи, ипотека кредитлари қимларга ва қандай шартлар, имтиёзлар асосида берилди?

Мутасаддиларнинг жавобидан маълум бўлишича, банк ва унинг филиаллари пудрат-қурилиш ташкилотлари учун маблағлар ажратади. Тайёр уйлар эса қурилиш

ташкилотлари томонидан сотилиди. Шу маънода ОАВда уй-жойларнинг олди-сотиши бўйича реклама ва эълонлар бериб бориш мақсадида мувофиқдир. Бунёд этилаётган турар жойлар тўғрисидаги маълумотларни банк филиаллари, тегишли қурилиш ташкилотлари, кредит шарҳлари тўғрисидаги ахборотларни эса банкнинг (www.ipotekabank.uz) веб-сайтидан олиш мумкин.

— Қандолатчилик дўқоним бор. Иш фаолиятини кенгайтириш ниятида банкнинг туман филиалига мурожаат қилган эдим. Гаров сифатида шахсий дўқонимни қўймоқчи эканлигимни билдирганимда банк ходимлари унинг баҳоиси бозор нарҳидан камлигини айтишди. Мен қандай йўл тутишим керак?

Қарши шахрида хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритиб турган Ҳувайдилло Розиковнинг ушбу саволи ҳам ҳеч қимси бe-фарқ қолдирмади. Чамаси ишбилармон гаров предмети Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ баҳолашнидан яхши хабардор эмасга ўхшайди.

Мутасаддилар ушбу саволга жавоб қайтариларкан, қуйидагиларни таъкидлашди: банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Кредит сиёсатида мувофиқ, мулк қиймати қарз олувчининг молиявий ҳисоботида қанча кўрсатилганидан ёки учинчи томон, жумладан, баҳоловчи ташкилот уни қанчага баҳолаганидан қатъий назар, гаров предметидаги мувофиқ белгиланади. Бу иш гаров предмети баҳолаш бўйича тузилган махсус гуруҳ томонидан амалга оширилади. Айтиш керакки, да гаров объектининг қилишув қиймати баҳоловчи ташкилот баҳосининг 80 фоизидан юқори бўлмалиги лозим.

Агар сиз тақдим қилаётган гаров предмети старли эмас, деб ҳисобланган тақдирда, қўшимча равишда гаровнинг бошқа турларини тақлиф этишингиз мумкин.

Қарийб икки соат давом этган тадбирда банк мутасаддилари оҳангаронлик яқна тартибдаги тадбиркор Абдурафиқ Исломов, урганчлик Бегзод Оллоберганов, тўртқилик Адилбек Юсупов, тайлоқлик Улмас Сатторовнинг саволларида кўтарилган масалаларга ҳам жавоб қайтардилар. «Очиқ мулоқот» давомида қойларда оддий аҳолини ўйлантириб қелаётган яна бошқа вазиятлар ҳам мавжудлиги маълум бўлди. Ишонимизки, «Ипотека банк» мутасаддилари уларни ижобий ҳал этиш йўлида бор имкониятларини ишга соладилар ва мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшаверадилар.

Ҳар соҳада фаол, ташаббускор

Юртимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий МАВҚЕИНИ МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КАТТА ЭЪТИБОР НАТИЖАСИДА ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ХОТИН-ҚИЗЛАР САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРЯПТИ. УЛАР ОРАСИДА O`zLiDeP ВАКИЛЛАРИ ҲАМ ОЗ ЭМАС, АЛБАТТА

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI asr»

Ангрелик Шохиста Мадиярова ана шулардан бири. Иш фаолиятини буюртма асосида кийим-кечак тикишдан бошлаган тадбиркор бора-бора касб сирларини пухта эгаллаб, элнинг эътирофига сазовор бўлди. Айти пайтда кичик корхонада 15 нафардан зиёд киз-жувон меҳнат қилмоқда. Улар меҳр билан тайёр хос дизайни билан ажралиб туради. Шу боис уларнинг бозори чаккон. Энг муҳими, кўғирчоқлар учун замонавий ва миллий русумдаги либосларни ангрелик қизларнинг ўзлари тикиб, касб маҳоратини оширмоқдалар.

Тикувчилик, каптачилик, кукор ишларига азалдан ихлосимиз баянд, — дейди Ш.Мадиярова. — Хунармандлар учун яра-

тилган имкониятлардан фойдаланиб, 2001 йили тикувчилик цехини очдим. Юқори сифатли махсулот учун харидор хамиша топиларкан. Хусусан, Тошкент вилояти худудларига хос бўлган, бутуни кунда деярли унутилиб бораётган кукор либослар кўпчилида қизиқиб ўйготяпти. 2013 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган «Мохир қўллар», «Халқаро туризм» кўргазма-савдо-ла-рида қатнашдик. Шоғирларим яратган буюмларга эътибор орғиб, қадимий анъаналар қадр топаётганидан мамнунман.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз оқила уй бекаси, меҳрибон она, қўлигул чевар бўлиши билан бирга шахар «Тадбиркор аёл» уюммасининг раҳбари ҳамдир. Бугунги кунда ангрелик 100 нафардан зиёд ишбилармон хотин-қизга бош-қош бўлиб, жойларда тадбиркорлик ҳаракатини янада кенгайтириш, O`zLiDeP ғояларини ҳаётга таъбиқ этиш йўлида куч-ғайратини аямаптир. Миллий

курокчилик соҳасида ўз услубини яратган уста хунарманднинг ишлари 2014 йилги «Ташаббус» кўрик-танловининг республика босқичига лойиқ тошланганлиги ҳам бежиз эмас.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида аёллар қўлайлиги бораётганлиги диққатга моликдир. Бу, шубҳасиз, иқтисодий ислохотлар самарасидан дарак беради, — дейди Ш.Мадиярова. — Партиямиз «Аёллар қаноти»нинг устувор мақсади нафақат хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, балки уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокчилиги янада кенгайтиришдан иборатдир. Шу боис жойларда турли тадбирлар ўтказиб, сафдошларимизнинг дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий фаолиятини оширишга ҳаракат қилияптиз. Зеро, жамиятимиз ғоявий етуқ, ташаббускор аёллар билан кучли ва барқарордир.

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ХАБАРЛАРИ

АНДИЖОН. Андижон туман тиббиёт бирлашмасида O`zLiDeP «Аёллар қанотининг соғлом оилани шакллантириш, аҳолининг репродуктив соломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида навбатдаги давра сўхбати бўлиб ўтди.

Фарзанд туғилишида юзга келиши мумкин бўлган ирсий нуқсонлар сони камайтириш масаласи муҳокамасига бағишланган тадбирда оиланинг ижтимоий психологик муаммолари, эрта никоҳ ва ажримларнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида сўз борди. Мулоқот якунида ёшлар, айниқса, қиз болаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аёллар ва болаларни ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказишга келишиб олинди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Ҳўжайли туманида «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омил» мавзусига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

O`zLiDeP туман кенгаши масъуллари, ССП худудий бошқармаси вакиллари ҳамда таъбиркорларнинг ходимлари иштирокидаги йиғилишда хотин-қизларни кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик фаолиятига жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Тадбирда худуд шарт-шароитидан келиб

чиқиб қорвачилик, қаштачилик, миллий гиламчиликни йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизларнинг бизнес-режаларини имтиёзли равишда молиялаштириш зарурлиги таъкидланди.

ХОРАЗМ. O`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Урганч шахридаги «Умид» маҳалласида бўлиб ўтган давра сўхбати «Соғлом оила — соғлом жамият» мавзусига бағишланди. Партия фаоллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида ўтган йиғилишда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилганидек, оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш каби биринчи даражали вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Давра сўхбатиде оила бюджетини мустаҳкамлаш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган Сийёсий таълим маркази раҳбари Дурдона Қобулова сўнгги йилларда худудда партиянинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватловчи хайрихоҳлар сони ортаётганини таъкидлади. Йиғилишда, шунингдек, маҳалла фаоли Гулчера Исқонова сўзга чиқиб, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлар орқали яратилаётган имтиёзлар соҳа ривожига муҳим омили бўлаётганини эътироф этди. Тадбир давомида маҳалладаги тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

5 ИЮНЬ — БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ КУНИ

«Экоҳафталик-2014»

Бугун дунёнинг аксарият мамлакатлари қатори республикамизда ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни кенг нишонланган.

Ана шу сана муносабати билан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатонаси билан ҳамкорликда 2-8 июнь кунлари экология ҳафталигини ўтказмоқда.

Мазкур тадбирнинг очилишига бағишланган йиғилишда мамлакатимизда экологияга оид ўтган зиёд халқаро конвенция ратификация қилингани ва уларда белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш бўйича кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Биологик хилма-хилликни асраш, мавжуд ўрмонларни кенгайтириш, йўқолиб бораётган жонотлар ва ўсимлик турларини муҳофаза қилиш, чиқиндиларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, чўлланиш ва иқлим ўзгаришига қарши кураш, сув ресурсларини тежашга йўналтирилган лойиҳалар шулар жумласидандир. Анъанавий экология ҳафталиги эса бу борадаги ишлардан халқимизни кенг хабардор этиш, она-табиатни асраб-авайлашга қорлашда муҳим ўрин тутди.



«Экоҳафталик-2014» доирасида Тошкент шахрида «Инсон, жамият, экология» деб номланган ёшлар конференцияси, Наманганда семинар-тренинг, GM Powertrain Uzbekistan қўшма корхонасида медиатур, Жиззахда табиий ресурсларни тежаш орқали яшил технологияларни ҳаётга таъбиқ этаётган фермер хўжаликлари фаолияти билан танишув, Қарши ва Нукус шаҳарларида илмий-амалий анжуманлар ташкил этилиши кўзда тутилган. **Ўз мухбиримиз.**



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

22 (550)-сон, 2014 йил 5 июнь, пайшанба

Дастурий мақсадларга ҳамоҳанг қадамлар

Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига умумхалқ сайловли мамлакатимизда фаолият юритётган сиёсий партиялар, жумладан, О'zLiDePнинг барча даражадаги бўғинлари, хусусан, унинг ўзаги ҳисобланмиш бошланғич ташкилотларнинг нечоғли нуфузга эга эканлигини яна бир қарра синовдан ўтказди. Чунки БПТлар партиянинг аҳолига энг яқин тузилмалари бўлиб, эришилажак муваффақият айнан уларнинг ташкилотчилиги, фаоллиги, сайловолди тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказишлари, бўлажак сайловларда кузатувчилар, ваколатли вакиллар сифатидаги иштирокига ҳам бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши талабларидан келиб чиқиб, БПТлар бўлажак синовга жиддий ҳозирлик кўра бошлади.

Қуйида муҳим сиёсий имтиҳонга тайёргарлик юзасидан айрим қуйи бўғин етакчиларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаёмиз.



«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ВАЗИЯТНИ, ТЕЗ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ШАРОИТНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛА ОЛИШИ, ХОЛИСОҲА БАҲОЛАЙ БИЛИШИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ АЙРИМ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН БУТУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР ТУРИШИ КЕРАК».

О'zLiDeP Уставидан.

ЭЛЕКТОРАТ БИЗГА ИШОНАДИ

Муҳаббат Ражабова, «Агробанк» ОАТБ Пайшанба (Самарқанд вилояти) филиалидаги қуйи бўғин етакчиси:

— Ҳар қандай сиёсий кучнинг нуфузи бошланғич партия ташкилотлари фаолияти нечоғли йўлга қўйилгани билан ўлчанади. Шу боис О'zLiDePнинг «Кучли қуйи бўғиндан — кучли партиёга» шioriни астойдил қўллаб-қувватлаб, партия амалга ошираётган дастурий мақсадларга ҳамоҳанг қадам ташлашга интилянимиз.

ПАРТИЯНИНГ КУЧИ ФАОЛИЯТИМИЗГА БОҒЛИҚ

Нодир Қорабоев, «Тошкент» республика фонд биржасидаги БПТ етакчиси:

— Хар қандай сиёсий кучнинг нуфузи бошланғич партия ташкилотлари фаолияти нечоғли йўлга қўйилгани билан ўлчанади. Шу боис О'zLiDePнинг «Кучли қуйи бўғиндан — кучли партиёга» шioriни астойдил қўллаб-қувватлаб, партия амалга ошираётган дастурий мақсадларга ҳамоҳанг қадам ташлашга интилянимиз.

бор имкониятларимизни ишга соляимиз. Зеро, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар сиёсий партиялар ҳамда уларнинг қуйи ташкилотларини яна бир қарра имтиҳондан ўтказиш барчамиздан фаоллик ва яна бир қарра фаолликни талаб этмоқда.

ТАЯНЧ НУҚТА

Мамлакат ИБРАГИМОВА, Янгийўл тумани «Тадбиркор аёл» уюшмаси бошланғич партия ташкилоти раиси:

— О'zLiDeP аъзоси сифатида 2004 йилдан буён вилоятимиз тадбиркор аёллари

иштирокидаги партиявий тадбирларда қатнашиб келаман. Туманимизда 2 мингга яқин кичик ва хусусий бизнес субъекти фаолият кўрсатётган бўлса, шуларнинг қарийб 60 фоизига партиямиз аъзолари етакчилик қилишади. Уюшма қошида бошланғич партия ташкилоти тузганимизга ҳам қарийб 10 йил бўлди. Ана шу давр мобайнида маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловларда О'zLiDeP энг кўп овоз олиб, лидерлик мавқеини эгаллаб келмоқда. Бу билан хар қанча ғурурансак арзийди.

Қуйи ташкилотимиз бугунги кунда ўз атрофига 20 га яқин сафошимизни бирлаштирган бўлиб, уларнинг аксарияти фаол, тадбиркор хотин-қизлардир. Улар саъй-ҳаракати билан ўтган йили туманимиз марказида

30 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этдик. Қўллаб-қўллашга ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун банклардан бошланғич сармоя олишларига кўмак бераёмиз.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар йилида иш дастуриимизни қайтадан кўриб чиқиб, бир қатор муҳим тадбирлар белгиладик. Бунда, айниқса, электротартиб билан янада яқин муносабатда бўлишга алоҳида эътибор қаратдик. Чунки бугунги сайловчи баландарвоз ваъдалар учун эмас, балки эл учун, юрт учун сидқидилдан меҳнат қилаётган номзодларга овоз беради. О'zLiDeP электротартиб эса жамиятимизнинг ана шундай талабларга жавоб бера оладиган энг фаол қатламидир.

Ўз мухбирларимиз.

Имкониятларимизни бирлаштирадиган пайт келди

О'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш борасида қаттагина тажриба тўплаган. Аммо кейинги икки йилда ушбу масалада сустрасилик ва ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани танқид қилинганди

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Партия вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида танқиддан тегтишли ҳулоса чиқарилиб, аҳолининг тубдан яхшиланган, мавжуд хато ва камчиликларни бар-тароф этиш ҳамда яқинлашган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш бўйича «Ўзбекистон», «Нойтахт» радиоканалларида, тармоқ даврий нашрларида 30 дан зиёд чикниш уюштирдик. Бошланғич ташкилотимиз та-шаббус билан яқинда кимматли коғозлар савдосини амалга ошириш жараёнининг электротартиб шаклига ўтказиш ҳамда бир-жа томонидан ишлаб чиқилган савдо қондаларини такомиллаштириш бўйича муайян иш-лар қилинди.

Айни пайтда ННТлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва савиясини ошириш яқинла-шиб келаётган сайловлар чоғи-

ролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти худудий бўлими, вилоят Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси вилоят бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёрда-мига таяниб, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтира-ляимиз. Бунда асосий эътибор аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларда келажакка ишонч, она-юрта сadoқат туйғуларини шак-лантиришга қаратилмоқда.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Қувондиқ Сабақов, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси депу-татлари Фахриддин Солеев, халқ де-путатлари вилоят кенгаши депу-татлари Сабоҳат Раҳимова, Фа-злдин Усмонов, Гулшан Бобоку-лова, Шавқиддин Жамолов, ша-ҳар ва туман кенгашлари депу-татлари, қолаверса, партия фаол-ларининг саъй-ҳаракати билан кейинги икки ой давомида Наво-ий кон-металлургия комбинати-нинг уй-жой коммунал хўжали-ги бошқармаси, тиббий-санпана-рия қисми, «Навоийазот» ишлаб-чиқариш бирлашмаси, вилоятда-ги бир қатор тиббиёт муассаса-лари, шаҳар ва туманларда янги

қуйи бўғинларга асос солинди. Натижада БПТлар сони 56 тага етиб, аъзолар сони 1200 нафар-дан ошди.

Бу, шубҳасиз, вилоятда О'zLiDeP ғоя ва мақсадларига қизқиш қучайиб бораётганидан яна бир далолатдир. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йи-ғилишлари давомида мавжуд 359 та бошланғич ташкилотдан 186 тасига янги етакчи сайлангани партиявий-сиёсий ишларга яна-да маъсулият билан ёндашиш ло-зимлигини аниқлади.

Навоий кон-металлургия муас-сасаларида ўтказилган очик муло-қотлар натижасида О'zLiDeP аъ-золари яна 301 нафарга қўнай-ди. Айниқса, Навоий шаҳридаги тиббий-санитария муассасалари-да ўтказилган учрашувлар хар томонлама самарали бўлди.

Бугунгача биз худуддаги де-ярли барча шаҳар ва туман ке-нгашларида бўлиб, қўллаб БПТ раислари, партия фаоллари ва электротартиб вакиллари билан юзма-юз фикрлашдик, — дея су-зи-ни давом эттирадиган суҳбатдоши-миз. — Муҳими, улар томонидан бир қанча асосли тақлиф ва тав-

сиялар ўртага ташланди. Муло-қотлар жараёнида мавжуд кам-чиликларни биргаликда ҳал этишга келишиб олдик. Тараф-дорлар санини кенгайтириш, намунали қуйи бўғинлар тажри-басини оммалаштириш ҳам дои-мий эътиборимизда бўлади.

Матълумки, жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик пала-таси ҳамда халқ депутатлари ма-ҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Сайловларни юқори савияда, уюшқоқлик руҳида ўтка-зиш зиммамиздаги муҳим вазн-фалардан биридир. Вақт эса то-бора кам қоляпти. Сафимизда элим деб, юртим деб, ёниб яша-ётган фаолларимиз, қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айлан-ган, мамлакат шухратига-шухрат қўнаётган тадбиркор ва фермер-ларимиз қанча кўп бўлса, шунча яхши. Куч ва имкониятларимиз-ни бирлаштирадиган пайт келди.

БПТлар сайловга тайёргарлик кўрмоқда

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида партия вилоят ташкилотларида ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакилик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш даврида бошланғич партия ташкилотлари имкониятидан самарали фойдаланиш масаласига бағишланган семинар-тренинглар ниҳосига етди.

Юқори савияда ташкил этилган ушбу тадбирларда партия қуйи бўғинлари раислари, О'zLiDeP депутатлиги гуруҳлари вакиллари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, институт худудий бўлинималари масъул ходимлари иштирок этдилар.

«Очик мулоқот» руҳида ўтган семинар-тренинглар якунида модераторлар маъзур тадбирларнинг мақсади, аҳамияти ва улардан қутилаётган натижалар хусусида атрофида сўз юрди.

Ушбу жараёнда, шунингдек, институт ва партия ҳамкорлигида ишлаб чиқилган намунали дастур асосида тайёрланган бир қанча маърузалар тингланди.

Жумладан, қуйи бўғинларнинг электротартиб манфаатларини ифодаловчи масалалар ечимидеги иштироки ҳамда сайлов кампаниясига тайёргарлик ва унда қатнашиш жараёнида партиянинг маҳаллий кенгашлари томонидан БПТлар фаолиятини мувофиқлаштиришга оид масалалар тингловчиларда қизқиш уйғотди. Тадбирларда билдирилган фикр-мулоҳазаларда партия таъин тузилмаларининг электротартиб талаб-эҳтиёжларини аниқлашдаги фаолиятини янада такомиллаштириш, электротартиб манфаатлари ифодаланган қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш лозимлиги алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, тадбирларда сайловлар жараёнида партия туман ва шаҳар кенгашларининг қуйи бўғинлари фаоллари орасидан муносиб кузатувчилар, ваколатли вакиллари саралаб олиш ва тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Семинар-тренингларда ғоявий-сиёсий, партиявий-ташқилий йўналишлардаги айрим камчиликларни баргаграф этиш юзасидан тақлифлар билдирилиб, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бепул тиббий кўрик

Пойтахтимиздаги «Doctor-D» хусусий клиникасида фаолият юритаётган қуйи бўғин аъзолари «Соғлом бола йил» Давлат дастури ижросига ўз амалий ишлари билан ҳисса қўшишга интилямоқдалар.

— Чилонзор туманидаги 48 та маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилаларнинг аъзолари бўлган 100 нафар аёлни бепул тиббий кўриқдан ўтказишни режалаштирдик, — дейди БПТ етакчиси, врач-уролог Фаррух Пулатов. — Биз маммография бўйича текширувларни амалга оширсак, ҳамкорларимиз — «StarMed», «Diamed Service» хусусий клиникалари МРТ, УЗИ ва бошқа йўналишдаги ишларни бажарадилар. О'zLiDeP туман кенгаши эса бу борада бизни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётир.

Беход ИСРОИЛОВ.

Экспорт шартномалари ва инвестиция битимлари

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги қарорига асосан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, «Made in Uzbekistan» тамғаси остидаги миллий маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналтиришга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиши, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузиши, хорижий давлатлар конунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, турли рухсатномалар олинишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишти.



Кўргазма-ярмарка бир вақтнинг ўзида 5 та катта павильонда уюштирилган бўлса, мамлакатимиз тадбиркорлари учун марказий павильоннинг кириш йўлидан жой ажратилгани ҳам Ўзбекистон маҳсулотларига қизиқиш юқорилигидан далолатдир.

Жамғарма қўмағида юртимиз ишлаб чиқарувчилари чет элларда ўтказилаётган йирик халқаро кўргазма-ярмаркаларда қатнашиб, ўз маҳсулотлари экспортининг жўғрофиясини кенгайтириш, харидорлар топиш ва шартномалар тузишга муваффақ бўлишмоқда. Хитойдаги Халқаро савдо-саноат кўргазма-ярмаркаси ҳам улар учун ана шундай имкониятларнинг навабдагиси эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ушбу тадбирга Австрия, Австралия, Венгрия, Германия, Италия, Испания, Иордания, Канада, Кичик, Жабути Корей, Малайзия, Покистон, Сингапур, Таиланд, Туркменистон, Филиппин, Эрон, Хиндистон, Қозғоғистон каби 40 га яқин мамлакатдан компания ва концернлар, саноат корхоналари ва савдо танкилотлари ўз маҳсулотлари

ва хизматлари билан қатнашди. Бизга берилган маълумотларга кўра, тўрт кушлик кўргазма-ярмаркага 100 мингдан ортиқ киши таъриф буюриб, уларнинг экспорт шартномалари ва инвестиция битимлари тузишга оид фаолиятини 400 га яқин маҳаллий ва хорижий журналистлар ёритиб боришди. Сиань шаҳрининг машҳур Чюцзэн халқаро кўргазмалар марказида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон маҳсулотлари ўзига хос дизайни, сифати ва рақобатбардорлиги билан ажралиб тургани, бу ерга келувчилар уларни кўргазманинг биринчи кўриш харид қилиш ис-

ти чеклашган жамияти директори, O'zliDeP аъзоси Мавлуда Рашидова. — Юртимиз тадбиркорлари билан мана шу жамғарма тузилганидан, унинг беvosита қўмағида экспорт фаолиятимизни бошлаганимиздан жуда мамнунимиз. Бу ерда кўлаб хорижий ҳамкорлар топиб, экспорт шартномалари ва инвестиция битими тузиш бўйича дастлабки келишувларга эришганимизда узоқ йўлнинг оғир чарчоқлари ҳам бирнасла унутилиб кетди.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Shukur Toji Baraka» хусусий корхонаси директори ўринбосари Неъматилла Каримов

кўргазмада мамлакатимизда етиштириладиган турли ўсимликлардан, ёнғоқ, узум, ўрик ва бодом данакларидан ҳеч қандай қимёвий воситаларсиз тайёрланган ёғларни намойиш қилди. Эътиборли томони шундаки, хорижликларда катта қизиқиш уйғотган бу маҳсулот нима учун бонка мамлакатларникига нисбатан арзонлиги хусусида саволлар тушганида тадбиркор уларга Ўзбекистонда кичик бизнесга берилган имтиёзлар маҳсулот таннархини пайсаттириш учун шартномага қўшилган ҳақида батафсил таъкидлаш берди.

(Ишбилармон юрдошларимизга Хитой сафарига ҳамроҳлик қилган «XXI asr» мухбирининг «Тадбиркорлар таассуротлари» номли мақоласи билан газетамизнинг навабдаги сонидатианишингиз мумкин.)

ЭЪЛОН

КОРХОНА МЕНЕЖЕРЛАРИ УЧУН ЕВРОПАДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИ



Management Training Programme
MTP

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилаётган «Менежментга ўқитиш дастури (МўД) — Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ЕИ компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун **аризалар қабул қилишни эълон қилади.** Малака ошириш Европа Иттифоқининг 28 мамлакатидagi компанияларда амалга оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки лойиҳа томонидан танлашни мумкин.

Лойиҳанинг асосий мақсади — Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг узоқ келажакдаги барқарор ривожланишини таъминлашга қўйилган малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадга эришиш учун Европа компанияларида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали лойиҳа уларни ўқитишнинг амалга оширилади.

Малака ошириш дастури лойиҳасининг мақсади Ўзбекистонлик менежерларнинг бонқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юритишнинг европача усулларида ўқитиш. ЕИ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган иборат. Номзодлар стажировкада иштирок этишдан кўзланган мақсадни аниқ кўрсатиш ҳамда бу унинг ҳамда компаниянинг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайл этиши лозим.

Танланган иштирокчилар учун лойиҳа треннинг ва стажировкаларини иштирок этиш бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиабилет учун 400 евро миқдоридagi шахсий тўловдан ташқари), нутқингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, суурта лойиҳа маблағлари эвазига қўйланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари, менежерларининг малака ошириш учун ариза топшириш ҳуқуқига эга.

АРИЗАЛАРНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ:

Номзодларнинг аризалари 2014 йилнинг 16 июнига қадар қабул қилинади. Аризаларнинг расмий шакли МўД лойиҳасининг расмий сайти (www.mtp.eu)да жойлаштирилади.

Сўров шаклини тўлдиргандан сўнг номзодлар аризаларини имзоланган ва сканер қилинган нусхасини қўшимча зарур ҳужжатлар билан бирга mtp@mtp.eu электрон манзилга юборишлари лозим (нусхаси mtp.eu@gmail.com га).

Кўйилган электрон сўровга ялова қилинган кўшимча ҳужжатлар келтирилади:

1. Компания рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва низоом ҳужжатларининг сўнгги талқини;
2. Компаниянинг солиқ органлари олдида ҳеч қандай мажбурияти йўқлигини тасдиқловчи сертификат;
3. Пул маблағларининг йиллик айлагмаси ва сўнгги икки йил (2012 ва 2013) учун мусбат даромад миқдорини тасдиқловчи сертификат(лар);
4. Компаниянинг кадрлар бўлиминан ишчилар сонини тасдиқловчи маълумотнома;
5. Номзод паспорт нусхаси;
6. Олий маълумот ҳақидаги диплома нусхаси;
7. Умумий меҳнат стаж 6 йилдан кам эмаслигини тасдиқловчи сертификат(лар);
8. Компания кадрлар бўлиминан номзоднинг мавқеи ва 2 йиллик бонқарув таърибасини тасдиқловчи сертификат(лар) (қамида 3 та ҳисобдор шахсни кўрсатган ҳолда).

Сўров шакли босма нусхасининг имзоланган асл нусхалари ва кўшимча ҳужжатлар 2014 йил 16 июнига қадар Ўзбекистон, Тошкент шаҳри-100047, Ахир Темур шоҳ кўчаси, 4-мағзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Management Training Programme» лойиҳасининг офисига юборилиши лозим.



Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарларини танлаш жараёни ва мезонлари ҳақидаги батафсил маълумотни Лойиҳанинг www.mtp.eu сайти ҳамда (+99871) 150-60-06, 233-59-01 телефонлари орқали олиш мумкин. Махсус низоҳ: Танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда қамида 20% аёл номзодни танлаб олишни кўзда тутати.

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ташқи бозорнинг яқин йўли

Президентимиз томонидан 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ташкил этилган жамғарма бутун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишончли таянчига айланди, десак хато қилмаймиз

Шерзодбек КОБИЛОВ, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Андижон вилоят филиали директори

монидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот памишалари, бу ҳақдаги каталог, буклет ва тижорат таклифлари жамғарманинг интернетдаги веб-сайтига жойлаштиришда яқиндан кўмаклашди. Натижада 18 нафар тадбиркор хориждан харидор топишга муваффақ бўлди.

Жорий йилнинг 28 февраль-1 март кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган халқаро пойабзал кўргазмасида Андижон вилоятидagi «And Chin Invest» ва «Хонобод Сеул» масъулияти чекланган жамиятлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этиди. Кўргазма натижаларига кўра, ушбу корхоналар Россия Федерациясидаги тадбиркорлар билан 2 млн. АҚШ доллари миқдоридagi экспорт шартномалари тузишга муваффақ бўлиди. Андижонлик ишлаб чиқарувчилар хорижий ҳамкорлари билан музокара олинб бериб, бизнес-форумларга ўзаро фикр алмашишда ва шу тарика қарийб 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi экспорт шартномалари тузишга муваффақ бўлиди. Филиалимиз йил охиригача кўлаб халқаро ва маҳаллий кўргазмаларда тадбиркорларнинг фаол иштирокини таъминлашни режалаштирган.

Жамғарманинг Андижон вилоят ҳудудий филиали ҳам сифатли ва харидоригр маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини хар томонлама қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Хозиргача вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кўлаб учрашувлар, давра сузбашлари ўтказилди. Бу эса тадбиркорларга ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш, тегишли конун, қарор ва бонка норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро мулк эгаларига ташқи бозордан харидор топишда кўмаклашиш, уларнинг халқаро кўргазма ва тендерларда иштирок этишини таъминлаш, экспортбои маҳсулотларни сугурталаш ва сертификатлаштириш асосий вазифамиздир.

Шу мақсадда фаолият билан иш олиб боришмоқда. Жумладан, 50 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти то-

ёрдм туфайли 12,5 млн. доллар миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинди. Жумладан, Шаҳрихон туманида фаолият юритаётган «Elegant Grand And» МЧЖнинг 960 000 АҚШ доллари қийматидаги экспорт шартномасини тайёрлаб, унинг тўловини ўз вақтида сугурталашга эришди. Шунинг айтиш жоизки, филиалимиз экспорт билан бирга янги ишга тушган ёки ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилмаган корхоналарни ҳам экспорт соҳасига йўналтиришга ҳаракат қилмоқда. Мисол учун, «Saidali Sanoat Rivoj», «Elegant Shoes And», «Osiye Tullpori olimi» масъулияти чекланган жамиятлари жамғарма қўмағи билан ўз маҳсулотларини экспорт қила бошлади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва жохон бозорларидagi мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида вилоят Синови, сертификатлаштириш ва метрология (ССМ-ДК) давлат корхонаси билан ҳамкорликда 9 та кичик корхонада халқаро сифат бонқарув тизими, яъни «ISO 9001» босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу эса вилоятимизнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

ХАБАРЛАР

Пилла ҳосили хирмонга тушди

Жиззах туманида фаолият кўрсатаётган «Отабек» фермер ҳўжалиги пиллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб шартномавий режани ортиги билан бажардилар. Вилоят ҳўқимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, фермер ҳўжалигида ҳар бир қути ипак қуртидан 51 килограмдан ҳосил олиниб, қабул пунктларига 205 кг. хом ашё етказиб берилди.

— «Жиззах пилла» ҳудудий бирлашмаси бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани ўз самарасини берди. — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Отабек Боймонов. — Йилнинг илк ҳосилини етиштиришда, айниқса, Яхшигул Мамашукурова ва Шарофат Боймонова каби пиллакорларимизнинг таърибаси қўл келди. Айни пайтда туман пилла қабул қилиш пунктида маҳсулотни қабул қилиш қизгин давом этмоқда.

Ш.Хўжаев.

Яхши ўқиганларга текин йўлланма

«Соғлом бола йили»да Оролбўйи минтақасида яшовчи 500 нафар ўғил-қиз Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳида бепул дам оладиган бўлиди. — Болажонларимизнинг ёғи таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун барча шароит яратилган. — дейди Қашқадарё вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири, халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги O'zliDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Баҳром Сатторов. — Бу йилги мавсумда вилоятдаги 19 та стационар болалар оромгоҳи базасида жами 26240 нафар бола соғломлаштирилади. Аҳамиятлиси, эҳтиёмманд оилаларнинг 3760 нафар фарзанди, «Мехрибонлик уйлари»нинг 160 нафар тарбияланувчиси ҳамда 100 нафар иқтидорли ўқувчига йўлланмалар бепул тақдим этилмоқда.

Янги йўналиш — янги иш ўринлари

Қасби туманидаги «Шоҳимардон» фермер ҳўжалигида паррандачилик тармоғи ташкил этилди. Айни пайтда Самарқанд вилоятидан келтирилган 3000 бosh жўжа парвариш қилинмоқда.

— Паррандачилик — етти ҳазинанинг бири, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Фулом Шоҳимардон. — Анчадан буюн паррандачиликни йўлга қўйишни ўйлаб юрган эдим. Шу мақсадда «Агробанк»дан 75 млн. сўм кредит олиб, маблағнинг бир қисмини товуқоналар қуришга сарфладим. Қолганига жўжа ва улар учун озқуқалар харид қилдик. Натижада 6 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди. Олинган фойда эвазига тармоқни янада кенгайтиришни кўзда тутяпмиз.

Сайфулла ИКРОМОВ.

ХИЖМАТ ИЗЛАГАНГА ХИЖМАТДир ДУНЁ!

«Мақсадни амалга оширишга аҳд ва гайрат қилиш мўлжалланган ишни бажаришда катта аҳамиятга эга».

Абу Наср ФОРОБИЙ.

Ҳар қандай муаммонинг ўз ечими бор

Дунё аҳолисининг муттасил кўпайиб бораётганлиги озиқ-овқат, ёнилғи, сув, кийим-кечак ва бошқа ҳаётий эҳтиёжларга бўлган талабни тобора кучайтирмоқда. Қолаверса кейинги йилларда ўрмон ҳудудларининг туздан қисқариши, тупроқ таркибининг бузилиши, атмосферанинг юқори қисмида жойлашган озон қатламининг емирилиши инсониятни қаттиқ таъшишга солаётгани сир эмас

Акбар МУЗАФФАРОВ,
Носир ТОШЕВ,
«XXI asr»

Ушбу жараёнда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асосий масалалардан бири саналади. Таҳлилчилар муаммони ҳал этиш учун бир қатор тақлифларни илгари суришмоқда. Уларнинг фикрича, бунинг учун биринчи навбатда деҳқончилик маданиятини ошириш, ердан янада унумли фойдаланиш ва унга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш талаб этилади. Чунки она-замин асосий ризқ-рўзимиз манбаидир.

Маълумки, бугунги кунда дунёдаги минглаб, миллионлаб фермерлар турли хил шарт-шароитда ишлаб, деҳқончилик қилишмоқда. Қасрдадир сув муаммо бўлса, бошқа жойда табиат инжиқликлари қишлоқ хўжалигига ўз салбий таъсирини ўтказиб боради. Шу боис сўнгги йилларда фермерликнинг турли ноанъанавий усуллари омаллашиб бораётган. Мана, бир мисол. Хитойлик фермер Ван Пен Шиннинг суварак фермасига асос солгани бутун дунёга овоза бўлди. Бир неча йил аввал у 16 минг АҚШ долларига 100 килограмм микродармларни сотиб олиб, ўз фаолиятини бошлади. Эндиликда шу ҳисобдан мўмай даромад олмақда. Унинг хўжалигидаги сувараклар 2 миллионга яқинлашиб қолди. Ваҳоланки, бутун дунёда суваракларга паразит хашарот сифатида қаралади. Шифокорларнинг фикрича, сувараклар саратон хасталиги, турли хилдаги яллиғлашларни даволаш ва иммунитетини мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Чунки суваракдан целлюлозага ўхшаган қимматли модда олинади. Олимларнинг таъкидлашича, айнан ана шу модда саратонни, умуман хавфли ўсма касалликларини бартараф этишда яхши самара бериши мумкин. Ҳозирча фермерлар томонидан етиштирилётган суваракдан олинган ушбу модда косметика фирмаларига етказиб берилмоқда. Айни пайтда эса Хитойда 7,5 миллионга яқин майда фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Уларни иқтисодийнинг барча тармақларида учратиб мумкин.

Шундай бўлса-да, жаҳон омавий ахборот воситаларида Хитой миллий аграролат тизими аҳолининг қундалик талаб-эҳтиёжларидан орқада қолаётгани эътироф этилмоқда. Бу, аввало, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти билан боғлиқдир. Айни кунда мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сунъий турлари, жумладан, гуруч ишлаб чиқарилаётгани ҳам аниқ ҳақиқат. Ҳатто баъзи мамлакатлардан кўшимча ер сотиб олинб, фермерликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қарилмоқда. Фикримиз исботи сифатида бугун хитойлик фермерларнинг

Африка, Латин Америкаси ҳамда Жапуби-шарқий Осиёда кенг фаолият юритишга тилиги олиб ўтиш мумкин. Албатта, барча соҳада бўлганидек, қишлоқ хўжалиги истиқболи билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш ҳам бевосита сармоёга бориб тақалади. Шу боис фермерлар давлат банклари ва инвестиция фондлари томонидан моливий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Кейинги беш йилда ана шу мақсад йўлида 22 миллион АҚШ доллари микдорида маблағ сарфлангани фикримиз далилидир.

Суваракдан целлюлозага ўхшаган қимматли модда олинади. Олимларнинг таъкидлашича, айнан ана шу модда саратонни, умуман хавфли ўсма касалликларини бартараф этишда яхши самара бериши мумкин. Ҳозирча фермерлар томонидан етиштирилётган суваракдан олинган ушбу модда косметика фирмаларига етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш жоиз: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун Украинадан ижарага олинган қарийб 3 миллион гектар упулдор ер ҳам Хитой иқтисодийига катта даромад келтирмоқда. Бу салкам Бельгия давлати ёки Массачусетс штатининг умумий майдонига тенгдир. Энг муҳими, ўзаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётган. Хитойлик фермерлар ижарага олинган майдонларда асосан буғдой, арпа ва маккажўхори етиштириб, мўмай даромад топишмоқда. Чунки мамлакатда ушбу маҳсулотларга талаб юқори. Ҳозирда жами аҳолининг 40 фоизи аграр соҳада бағд. Жумладан, 300 миллиондан ортиқ киши оилавий фермерлик билан шуғулланади, 800 миллионга яқин фуқаро мавсумий ишларга жалб этилади. Бу кўрсаткич Россия, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия ва Мексикани кўшиб ҳисоблаганда олти баробарга кўзидир.

Деҳқончилик қилиш учун Хитойга ўз ерларини бир неча миллиард маблағ эвазига «тух-фа» қилганлар ҳам фермерликнинг ноанъанавий усулларида мурожаат этишмоқда. Шарқий Европада кейинги йилларда бир гуруҳ фермерлар картошка, буғдой, лавлаг етиштиришдан воз кечиб, тимсоҳ ва капалак фермаларига асос солишгани эътиборни тортади. Севастополдаги тимсоҳ фермаси раҳбари Игорь Подшиваловнинг айтишича, бу иш унга яқингина даромад келтирмоқда. Жумладан, тимсоҳларнинг ривожланиши учун сунъий яратилган мўътадил об-ҳаво ва товуқ гўшти кифоя. Ҳозирги кунда фермада 40 дан зиёд тимсоҳ парваришланмоқда. Ҳар кеча-кундузда улар 13-14 килограмм парранда гўшти билан озиқланади. Шу ҳисобдан ёввойи жониворлар 3 кунгача тўқ юриши мумкин. Чикимлар эса томоғига келганлар ҳисобидан қопланмоқда.

Ишбилармон фермер Сергей Чулпанов ҳам уч йилдан бери капалаклар парвариши билан шуғулланади. Айтиш мумкинки, улар турли кўнгилочар талбирларга алоҳида завқ улашмоқда. Шу боис капалакларнинг бозори чаккон. Лепидоптерология (капалаклар ҳақидаги фан) соҳасини пухта эгаллаган ишбилармон капалак гўмбазини очиб чиқарилган инкубатор технологиясидан унумли фойдаланмоқда. Эътиборлиси, капалак етиштириш жуда кам харажат талаб этади. Уларнинг «озуқаси» факат ширин сувдир. Капалак-

ларни харид қилиш учун миջо 2-3 ҳафта олдин буюртма бериб, 6 гривнадан 120 гривнагача пул тўлаши лозим.

Дунё миқёсида ана шундай кичик фермаларнинг тобора омаллашиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Биринчидан Миллатлар Танқилоти 2014 йили оилавий фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, бу аҳоли ўртасида очлик ва қашшоқликка барҳам беришнинг муҳим омилларидан биридир. БМТнинг озиқ-овқат ва фермер хўжалиқлари танқилоти — ФАО маълумотларида таъкидлашича, ҳозир жаҳонда 500 миллиондан зиёд оилавий фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг сони йил сайин кўпаймоқда. Оилавий фермер хўжалиқларини ривожлантириш, айниқса, кўп йиллардан бери озиқ-овқат таъминоти билан юзма-юз келатган Африка мамлакатлари учун жуда муҳимдир.

Мутахассислар ҳар йили қурол-яроғ ва фазони ўрганувчи рақсатарлар ёки бошқа шу каби мақсадлар йўлида сарфланаётган миллиардлаб маблағларни Африканинг ўта қашшоқ мамлакатларидаги вазиятни биров бўлса-да ўнглаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун йўналтириш зарурлигини қайта-қайта такрорлашапти. Бирок ахвол ўша-ўша. Бирлашган Миллатлар Танқилоти томонидан белгиланган «Минг йиллик дастур» доирасидаги вазифалар ижроси орқага сурилмоқда. 2011 йилгача бўлган муддатда оралғида ялпи тараққиёт учун мўлжалланган 300 миллиард АҚШ долларига тенг микдордаги маблағнинг атиги ярми ажратилганлиги таъшишлангандир.

Ҳа, таҳлилчилар унумдор ерларни бежиз «олтин капитал»га тенглаштиришмайди. Афсуски... ЮНЕСКО маълумотларида сайёрамиздаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар-



нинг 6-7 миллион гектари деградацияга учрагани таъкидланади. Бу эса ҳар қарич ерни асраб-авайлаш, ундан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Албатта, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришда ҳар бир мамлакат ўз стратегик мақсадларидан келиб чиқади. Ўзбекистон ана шу тамойилга амал қилиб, тарихан қиска муддат орасида ўттиз миллионли аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаш баробарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлардан бирига айланди. Соҳада амалга оширилган туб ислохотлар, деҳқон ва фермер хўжалиқлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар бу борада хал қилувчи аҳамият касб этаётгани сир эмас. Агар 1990 йилда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган фаллашнинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоиздан кўпроги, сут ва суг маҳсулотларининг 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи четдан келтирилган бўлса, айни кунда уларнинг барчаси деҳқон ва фермер хўжалиқлари томонидан етиштирилмоқда. Яъни озиқ-овқат таъминотида бироз бир муаммо йўқ.

Бу борада мустақиллик йилларида қабул қилинган кўпгина қонулар ҳуқуқий асос бўлаётганлиги шубҳасиз. Хусусан, Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Уруғчилик тўғрисида», «Наслчилик тўғрисида», «Ветеринария тўғрисида», «Ўсимликлар карантини тўғрисида», «Сув ва сувлаб фойдаланиш тўғрисида»ги қону-

лар ҳамда 110 дан ортиқ қонуности ҳужжатлар фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш учун имкоиятлар эшигини очди.

Жумладан, мамлакатимизда фермерликнинг ноанъанавий усуллари ҳам мурожаат қилинмоқда. Андижон вилояти, Пахтаобод туманидаги Уғотир қишлоғида яшовчи Абдулаҳақов Расулов 2011 йилдан бери ўз хонадонидан Жанубий Америка туяқушларини парваришламоқда. Нанду турига мансуб 4 бош антиқа парранда аллақачон маҳаллий шароитга мослашиб улгурди. Фермернинг таъкидлашича, ҳар бирининг ўртача оғирлиги 120 килограмм. Бўйи эса 2 метрдан ошади. Туяқуш салкам бир ярим килограмм топ босади. Ҳар бир туяқушдан 160 килограммгача парҳез гўшт олиш мумкин. Қолаверса, туяқуш туҳуми ва гўшти сара парҳез таомлар сирасига киришини унутмаслик лозим. Пахтаободлик фермер айни пайтда ўз фаолият қўламини кенгайтириб, туяқуш фермасини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Дарҳақиқат, дунёнинг қўллаб-қувватларида очлик ва қашшоқлик ҳукми сураётган бир пайтда бу каби натижаларга эришсининг ўзи бўлмайди. Қардаки излаш, эркин меҳнат қилиш, ички имкоиятлардан фойдаланиш учун ҳуқуқий асослар яратилган бўлса, ўша ерда турмуш фаровон, жамият барқарордир. Ўзбекистоннинг кейинги йилгача икки йиллик таърибаси буни яққол исботлаб турибди.

VOQEALAR, SHARHLAR, DALILLAR

Етакчи номи ўзгарди



Буюк Британиянинг «Millward Brown Optima» тадқиқот компанияси рейтингда дунёдаги энг қиммат бренд сифатида Google тан олинди. Маълумотларга қараганда, компания бренди 159 миллиард АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Google бу борадаги аввалги етакчи — Apple компаниясидан ўзиб кетган. iPhone ишлаб чиқарувчиларнинг бренди бир йил давомида 20 фоизга арзонлашиб, ҳозирги вақтда 148 миллиард долларга тушиб кетган. Кучли Униқдан, шунингдек, IBM, Microsoft, McDonald's, Coca-Cola, VISA, AT&T, Marlboro ва Amazon каби машҳур компаниялар ҳам ўрин олган. Мутахассисларнинг фикрича, Google инновацияларга кўп маблағ сарфлапти. Хусусан, утган бир йил давомида компания «Google Glass» кўзойнақларини фаол тарғиб қилди. Бундан ташқари сунъий идрок ва робототехника учун ҳам сармоё йўналтирди.

Пеленинг ўғли жиноятчи экан

Футбол қироли Пеленинг ўғли Эдсон Шолби Насименту гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғуллангани учун 33 йилга қамқоқ жазосига ҳукм қилинди. «Сантос» жамоасининг собиқ дарвозабони суднинг маъмур қарорига апелляция беришга ҳақли. Аммо бу ҳаракат ишни қанчалик енгилаштиришини вақт кўрсатади.



Таъкидлаш жоизки, бу Эдсоннинг биринчи бор жавобгарликка тортилиши эмас. Илгари, аниқроғи, 1992 йили ҳам кўча пойғаларида иштирок этгани учун унга олти йиллик қамқоқ жазоси тайинланган эди. 2005 йилда эса қанақан гиёҳванд моддаси савдоси билан шуғуллангани боис ҳибсага олинган.

Қурбонлар сони ортиши мумкин



Нигериянинг Муби шаҳрида жойлашган футбол майдонига юз берган кучли портлаш 40 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Қутқарувчиларнинг фикрича, қурбонлар сони янада ортиши мумкин. Маҳаллий ОАВ вакиллари маълумотларига қараганда, ҳозирча ҳеч ким теракт учун жавобгарликни зиммасига олгани йўқ.

Таъкидлаш жоизки, Муби шаҳри Нигериянинг шимоли-шарқида жойлашган бўлиб, «Боко Харам» террорчилик гуруҳи ҳужумларидан кўп марта азият чеккан. Шу боис навбатдаги қўпуровчилик ҳаракатида ҳам ушбу гуруҳнинг қўли бўлиши мумкин, дея таҳмин қилинмоқда.

«FORD» айбини тан олди

Хабарларга қараганда, АҚШнинг «Ford Motors Company» автоконцерни аниқланган техник муаммолар туфайли 1,3 миллионга яқин автомобилни қайтариб олади. Ушбу автоуловлар орасида 2008-2011 йилларда ишлаб чиқарилган 915 мингта «Ford Escape» ва «Mercury Mariner» ҳамда 2011-2013 йилларда чиқарилган 195,5 мингта «Ford Explorer» моделлари бор.



Компания мутахассисларининг маълум қилишича, бошқарув тизимидаги муаммо туфайли руль кучайтиргичининг ишламай қолиши эҳтимоли бор. Бу эса кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Айни кунга қадар ана шундай техник нуқсонлар туфайли 20 та автоҳалокат содир бўлиши оқибатида саккиз киши зиён кўрган.

ҲИҚМАТ НАЗЛАГАНГА ҲИҚМАТ ДИР ДУНЁ!

«Меҳнат бизни учта зўр фалокатдан — ғамгинлик, иллат ва муҳтожликдан халос қилади».

Ф.ВОЛЬТЕР.

ЭЪЛОН

Ташкентский государственный экономический университет просит предоставить коммерческое предложение по поставке алюминиевой универсальной лестницы до 10,9 метров.
Адрес: г.Ташкент, ул. Узбекистанская, 49. Тел: 245-43-66

Ташкентский государственный экономический университет просит предоставить коммерческое предложение по поставке строительных материалов для текущего ремонта.
За дополнительной информацией просим обращаться по адресу:
г.Ташкент, ул. Узбекистанская, 49. тел: 239-28-50

ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун ОБУНА давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон: (8 371) 215-63-80, e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

Эътибордан мамнун ёшлар байрами

Маълумки, ўтган ҳафта Наманган шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ташкил этилган анъанавий спорт мусобақалари — «Баркамол Авлод-2014» ўйинларининг финал босқичига мезбонлик қилди

Аҳроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли уздуксиз спорт тизими таркибига кирувчи ушбу беллашувлар давомида ташкилотчилар муҳим тадбирга пухта тайёргарлик кўрганларини намойиш эта олдилар. Хусусан, иштирокчиларни тантанали кутиб олиш, бахслардан сўни уларнинг маданий хордиқ чиқаришлари, турли хизматлардан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилди. Виллоят маркази ва унинг агрофи кўкаламзорлангирилиб, шаҳар ўзгача киффа касб этди. Мусобақаларни қабул қилган спорт объектлари, жумладан, «Навбахор» марказий стадиони замон талабларига жавоб берадиган даражада янгиланди.

— Наманганни «туллар шаҳри» деб аташларини илгари кўп эшитган бўлсам-да, бу ерга келиб, ана шу таъриф бежиз берилмаганига ишонч ҳосил қилдим. Қаерга қараманг, чиройли килиб экилган алвон-алвон чечаклар кўзингизни қувонтиради, — дейди бадий гимнас-



тика бўйича ўтказилган бахсларда иккита кумуш медаль билан тақдирланиб, самарқандлик спортчиларнинг умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашларига муносиб ҳисса қўшган Мафтуна Шамсиева. — Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг мусобақа иштирокчиларига йўлаган табриги қалбимда ўзига хос хис-туйғуларни уйғотганини айтаётганини истардим. Зеро, уларнинг «Сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган максалдаримизга албатта эришамиз», деган гаплари кўнчилиқда қатта таассурот қолдиргани аниқ.

— Мусобақалар том маънода дўстона руҳда ўтди, — дейди стол тенниси мусобақалари совриндори, фарғоналик Эъзоза Эралиева. — Уч кун давомида юзлаб тенгдошларим билан танишиб, ўзаро алоқаларни ўрнаттишга муваффақ бўлдик. Мени, айниқса, шаҳар марказида бунёд этилган «Баркамол Авлод» спорт мажмуаси ҳамда у ерда яратилган шароитлар лол қолдирди. Ана шу маскан, қолаверса, мусобақалар учун қурилган бошқа спорт мажмуалари бундан кейин узок вақт давомида наманганлик спортсевар ёшлар ихтиёрида бўлиши қувонarli, албатта.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг навбатдаги спорт байрами Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди.

Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 5-12 июнь кунлари ўзгарувчан об-хаво кузатилса-да, ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат ўртача +30...+35 даража атрофида бўлади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Республикаимизнинг Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси +15...+20, кундузи +30...+35, ҳафта охирига бориб +37 даражагача кўтарилиши кутиляпти. Фарғона водийси вилоятларида кечаси +13...+18, кундузи +23...+28 даража бўлади. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда дам олиш кунлари термометр миллилари тунда +13...+18, кундузи +28...+33 даража атрофида бўлишини кўрсатади. 5-6 июнь кунлари тоғли жойларда ҳарорат кечаси +7...+12, ҳафта охирига бориб +10...+15 даражагача кўтарилади, кундузлари эса ўртача +18...+23 даража атрофида бўлади.



РЕКЛАМА

«ФАРОВОНЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ



2014 йил 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
Тошкент шаҳрида

Ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.



ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

ПОТЕРЕЯ БИПЕТИНИНГ НАРХИ – 5000 СЎМ

потерея бипетларини нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан банкнинг барча филиаллардан сотиб олишингиз мумкин.

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77 Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60 Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48
Андижон вилояти (8-374) 228-46-20 Наманган вилояти (8-369) 223-19-32 Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50
Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53 Навоий вилояти (8-436) 770-35-49 Фарғона вилояти (8-373) 244-08-41
Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33 Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73 Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жихозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунида, 100 000 дан юқори бўлган ютуқлар (билетларнинг экспертиза ҳулосаси олинган кундан бошлаб) 1 ой ичида берилди. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб 100 кун давомида қабул қилинади ва ушбу муддат ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Балогат ёшига етмаганлар лотереяда иштирок этиши тақиқланади. Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«Асака» банк (ОАЖ)

миллий ва хорижий валюталарда
қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

«БАРАКАЛИ» — ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ» — ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмолад ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юрғларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД» — омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб,

ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилди.

Хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларлари) — омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилди.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) — омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилди.

Шу билан бирга «Асака» банк (ОАЖ) миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда 90 турдаги омонатларни таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергейи филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

ЗАЗ FORZA Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.